Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№32 (381)
2020 йил 5 май, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни ёқилғи-энергетика тармоғида самарадорликни ошириш, энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни кескин ривожлантириш бўйича катта мақсадлар белгиланган. Бунинг учун янги энергия қувватларини ишга тушириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Масалан, юртимизда минг долларлик ялпи ички маҳсулот яратиш учун ривожланган давлатларга нисбатан 2-3 баробар кўп энергия сарфланади. Нефть маҳсулотларига йиллик талабнинг 44 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Шу боис, йиғилишда яқин йилларда энергия сарфини 2-2,5 баробарга қисқартириш масалалари муҳокама қилинди.

Оммабоп қишлоқ хўжалиги техникаси ва юк автомобилларини газга мослашган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Жорий йил якунигача 3 та пропан-бутан аралашмаси ҳамда синтетик ёқилғи (GTL) заводи ишга туширилиши қайд этилди. Бунинг натижасида авиакеросин, дизель ва суюлтирилган газ импортига тўлиқ барҳам берилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фоизи биноларни иситиш ва ёритишга сарфланади. Бу жараёнда исрофгарчилик ҳам кўп. Масалан, 1 квадрат метр майдонни иситиш учун юртимизда ўртача 400 киловатт-соат, иқлим шароити бизга яқин ривожланган давлатларда эса 170 киловатт-соат энергия ишлатилади.

*(Давоми 2-бетда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## АҲОЛИНИНГ УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5886-сон Фармонига (кейинги ўринларда – Фармон) мувофиқ:

бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби (кейинги ўринларда – янги тартиб) жорий қилинганлиги;

хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **2020 йил 1 майдан бошлаб 2022 йил 1 январга қадар** жисмоний шахсларга хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат берилсин.

3. Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан **қуриб битказилган квартираларни, шунингдек, тайёр ҳолда топшириш шартисиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни** бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган **ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари**:

қишлоқ жойларида **2 хонали** квартиралар учун **174 миллион** сўмдан **240 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **224 миллион** сўмдан **320 миллион** сўмгача;

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг коронавирус пандемиясига қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатларимизда ушбу хавфли касаллик тарқалишининг, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларга салбий оқибатларини камайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида қабул қилинган қарорларга мувофиқ ташкил этилган соғлиқни сақлаш ва транспорт вазирликлари раҳбарларининг кўп томонлама маслаҳатлашувлари натижалари юксак баҳоланди.

Президентлар Ўзбекистонда Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Мулоқот якунида ўзаро товар айирбошлашнинг юқори суръатини сақлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни кенгайтириш, устувор инвестиция ва инфратузилма, жумладан, минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларни илгари суришга қаратилган биргаликдаги ишларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Суҳбат чоғида қатор халқаро масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

**ЎзА.**

## Қалбан сиз билан биргамиз...

– Сардобада сув тошқини бўлибди...

Аслида бу хабарни ҳамма эшитган, оммавий ахборот воситаларидан, интернет саҳифаларидан... Лекин дўсту дугоналар, ёру-биродарлар ҳам бир-бирига қўнғироқ қилиб бу табиий офатдан безовталигини билдиришяпти.

– Ҳар тугул жонга зарар етмабди, молнинг ўрни тўлиб кетар...

– Оллоҳнинг асрагани шу бўлсин, буёғига ҳам ўз паноҳида сақласин!

Бу гапларда чинакам ҳамдардлик бор. Дарахтнинг бир япроғи тўкилса, илдизи зирқирайди, деган қадим бир ҳикматнинг ҳаётий изоҳи бор. Орамиздан лоқайдлик, беэътиборлик кўтарилаётгани, жонкуярлик, меҳр-оқибат келаётганининг ифодаси бу. Нафсиламрини айтганда, ҳеч ким ўз халқининг бошига ёмон кун тушишини истамайди. Лекин ҳар қандай оғир куннинг, ҳар қандай синовнинг талафоти қадар мукофоти ҳам бўлади. Бу йил кечираётган синовларимизнинг мукофоти одамларимиз қалбида ҳаётни қадрлаш туйғусини кучайтиргани, «ҳар дақиқа ғанимат, умрингнинг ҳар сониясини яхшиликка сарфлаб улгур», тарзидаги даъватни юракларга жо этгани, ундан ҳам яхшироғи, бир осмон остида, бир замин устида яшаётган инсонларни биргаликка, жипсликка ундаганидир.

Кўнгилга ўрнашган бундай ҳиссиётлар бу кунларнинг ўзида қолиб кетмайди, насиб бўлса, миллатимизга хос барча яшовчан фазилатлар каби биз билан бирга даврдан даврга ўтади.

Мен ҳам шу ҳиссиётлар билан яшаётган замондошларимнинг бири сифатида дарров Сирдарёдаги таниш-билишларим, дўсту дугоналарим билан боғландим. Бири Саодат ая. Саксондан ошиб, тўқсон билан тўқнашай деб турибди. Мен ая билан шифохонада ҳамхона бўлганман. У киши мактабдан бошқа ҳеч қаерда ўқимаган бўлсада, ашаддий китобхонлиги билан мени ҳайратга солган эди. Мен олиб борган журналу китобларни кўриб яшнаб кетган эди.

– Худойим мени шундай ҳамхонага насиб этганига шукр, – дея китобларни пешонасига теккизиб тавоф қилиб, ўқишга тутинганди.

– Худога шукр, тинчмиз. Президентимиз омон бўлсин, ҳалиям шу ерда, ҳамма оёққа турган, биз – қариялар дуодамиз, – дейди Саодат ая 6 фарзанди, бир этак набираларининг саломатлик хабарини етказар экан.

Ойниса дугонамиз – сенатор.

– Ҳозир мажлисдан келдим. Ҳар соатда қилишимиз керак бўлган вазифаларимиз аниқ. Насиб қилса, сардобаликлар тез кунлар ичида ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади. Андижон, Самарқанд, Тошкент – чор тарафдан ёрдам карвонлари келяпти.

Гавҳарой – шахсий кутубхона ташкил қилган, «Йил аёли» ғолибларидан бири, Баҳор, Норинисо, Меҳринисо – қаламкаш сингилларимиз...

– Тошқиндан азият чекканлар бошпана билан таъминланди. Баҳоли қудрат хабар олиб турибмиз, – дейишди улар.

Ҳаммасининг кўнглида табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этишга бўлган ишонч таянч бўлаётгани сезилиб турибди. Ҳаммаси Президентимизнинг Сирдарёда эканлиги, «Шароит яхши бўлмагунча, бирорта раҳбар, мен бошчилигимда ҳеч қаёққа кетмайди», деган қатъий ваъдасидан куч олиб яшаяпти.

Бизнинг дилимизга ҳам айнан шу туйғулар ёруғлик беряпти. Қалбан сиз билан биргамиз, Сардобаликлар, сиз қуш учмас чўлни гулистонга айлантирган матонатли элнинг авлодисиз, демак яна тик оёққа туришингизга, талафотларнинг ўрнини тўлдириб, тўкис, бутун яшашингизга ўзингиз ишонгандек, биз ҳам ишонамиз!

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

## «Toshkent shahar ETK» AJ:

## ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ УЧУН АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ





**Мамлакатимизда коронавирусдан сақланиш, инфекцияни кенг тарқалишини олдини олиш, касалланганларнинг соғлигини тиклаш бўйича ҳукуматимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳри яқинида каронавирус билан хасталанганларни даволашга ихтисослашган 10 000 ўринли махсус шифохонани қуриш ишлари олиб борилмоқда.**

«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ ҳам бу борадаги ишларга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хусусан, муассаса қурилишида қисқа фурсатларда 35/6 кВ кучланишли «Изолятор» подстанциясида мавжуд қуввати 2x4000 кВА бўлган куч трансформаторлари қуввати 2x10000 кВА бўлган трансформаторларга алмаштирилди. Шунингдек, ушбу подстанциядан кучланиши 6 кВ бўлган, жами узунлиги 1,5 километр ҳаво тармоғи қурилишида 90 дона темир-бетон таянчдан фойдаланилди.

Шу билан бир қаторда, шифохона ҳудудида кучланиши 6 кВ бўлган, жами 18 км узунликдаги кабель тармоқлари ётқизилди ҳамда 4 дона қуввати 1000 кВА бўлган ҳамда 6 дона қуввати 630 кВА бўлган трансформатор подстанциялари ўрнатилди ва монтаж қилинди.

Муассаса қурилиши якунига қадар, «Истиқбол» нимстанциясидан 2 та цепли, жами узунлиги 6,5 километр бўлган 10 кВли кучланишдаги 327 дона темир-бетон устун ўрнатилган ҳолда, ҳаво тармоғи қурилиши режалаштирилган бўлиб, айни вақтда 2-тармоқ қурилиш ишлари олиб борилмокда.

– Ҳар бир корхона ва ташкилотлар зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этган ҳолда ишларни олиб бормоқдалар, – дейди «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» AJ Капитал қурилиш бўйича директори А. Ашрафхонов. – Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган касалхонада минглаб ишчилар жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар. Ушбу ишга ўзимизнинг ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Зеро халқимиз осойишталиги учун янада ҳаракат қилиб, меҳнатимиз самарасини кўрсаккина барча қийинчиликлар унутилади.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларга билдирган ишончи, юксак баҳоси, мазкур қурилиш майдонида ҳам ўз сўзини айтиб турибди. Жадал суръатда давом этаётган шифохона қурилишида уларнинг фаоллиги яққол кўзга ташланади.

Мутахассислардаги ғайрат, шижоатни кўриб ёш келса ишга нақлидаги яратувчанликка йўғрилган ундовларнинг том моҳиятини англагандек бўласиз. Улар ўз билимлари, ишга чанқоқлиги билан тажрибали устозларга мадад бўлишмоқда.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис, кўп қаватли уйларни лойиҳалаш ва қуришда энергия тежовчи технологияларни кенг қўллаш, ижтимоий соҳа объектларининг энергия самарадорлигини оширишга хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Саноатдаги энергия сарфи ҳам таҳлил қилинар экан, ҳар бир соҳа ва тармоқ кесимида ушбу ресурсни тежаш ва самарадорлигини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Халқаро энергоаудит ташкилотларини жалб қилиб, 285 та йирик саноат корхонасининг энергия самарадорлигини ўрганиш, уч сменада иш ташкил этган тадбиркорларга кечки смена учун электр тарифини 1,5 баробар камайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари – ҳали тўла фойдаланилмаётган улкан резервлардан бири. Албатта, бу йўналиш аввалига катта харажат талаб қилади. Лекин, бу келажакда табиий газ ва нефть танқислигини ҳал қилиш, истеъмолчилар учун эса сарф-харажатларни камида 2 баробар тежаш имконини берса, ўзини оқлайди.

Мисол учун, агар 150 мингта хонадонга қуёш панеллари ва сув иситиш тизимлари ўрнатилса, йилига 319 миллион куб метр табиий газни тежаш мумкин.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш, қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, жаҳон тажрибаси асосида истеъмолчиларга қўшимча шарт-шароит яратиш муҳимлиги таъкидланди. Соҳага тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиш, вилоятларда қуёш фотоэлектр ва шамол электр станциялари қуришга доир масалалар кўриб чиқилди.

Электр энергияси ҳамда табиий газ сарфини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини янада кенг жорий этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Карантин сабабли ёқилғи-энергетика корхоналарида маблағ танқислиги вужудга келишини инобатга олиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айланма маблағларини кўпайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИНГ УЙ-ЖОЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАМДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

шаҳарларда **2 хонали** квартиралар учун **180 миллион** сўмдан **240 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **232 миллион** сўмдан **320 миллион** сўмгача;

Тошкент шаҳрида **2 хонали** квартиралар учун **198 миллион** сўмдан **264 миллион** сўмгача, **3 ва ундан кўп хонали** квартиралар учун **255 миллион** сўмдан **352 миллион** сўмгача оширилсин.

4. Янги тартиб доирасида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари (шу жумладан, бугунги кунга қадар ажратилган ипотека кредитлари) муддати **15 йилдан 20 йилгача узайтирилсин.**

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда янги тартиб доирасида тижорат банкларида жойлаштирган кредит ресурслари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин.

Тижорат банклари бир ой муддатда янги тартиб доирасида жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитлари муддатини 15 йилдан 20 йилгача узайтирсин ҳамда тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг:

2–4-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартлар 2022 йил 1 январга қадар амал қилади ва янги тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитларига нисбатан татбиқ этилади;

3-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган квартираларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан **белгиланган уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида тўланади.**

7. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тижорат банкларига ажратган кредит ресурслари ҳисобидан мазкур қарор қабул қилингунга қадар жисмоний шахсларга қонунда белгиланган тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларида **якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш** учун кредитлар ажратишга рухсат берилсин.

Бунда, кредитлар жисмоний шахсларга:

қурилаётган (қайта қурилаётган) якка тартибдаги уй-жой жойлашган жойи бўйича мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган кредитнинг энг кўп миқдорларидан ошмайдиган ва дастлабки бадали якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари қийматининг **10 фоизидан кам бўлмаган** миқдорида **20 йил муддатга ажратилади**;

белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида хусусий пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган якка тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари бўйича тўловларни уларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз шаклда амалга ошириш орқали берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга ошириладиган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2020-2021 йиллар давомида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан Фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган субсидиялар сонини **1,3 бараварга** ва суммасини **40 фоизгача оширишга** рухсат берилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига янги тартиб доирасида шаҳар ва қишлоқ жойларида **4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори қаватли** кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:

кредит суммасининг **50 фоизигача**, бироқ **8 миллиард** сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилади;

фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг **1,75 бараваридан ошмайдиган** ва суммаси **20 миллиард** сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ **10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган** қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан **квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда 2 хонали, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар майдонининг белгиланган меъёрларини инобатга олган ҳолда** кўп квартирали уй-жойлар қурилганда берилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Н. Арипов) икки ҳафта муддатда янги тартиб доирасида шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ер участкаларини «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасидаги электрон аукционига чиқариш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 1 май

# Темирйўлчилар вирусни енгишда муносиб ҳисса қўшмоқдалар





**Юртимизда коронавирусни олдини олиш, ушбу касалликка чалинган беморларни даволашда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти мутахассислари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.**

Соҳада ўз вақтида тезкорлик билан амалга оширилган чора-тадбирлар юртимизда ушбу касалликнинг олдини олиш ва юмшатишда муҳим ўринга эга. Хусусан, ўтган вақт давомида темир йўл транспорти тизимида кўрилган бир қатор чоралар туфайли касалликнинг кенг тарқалиб кетишини олдини олишга эришилди. Ҳукуматимиз топшириғи билан дастлаб пойтахтимизда таҳсил олаётган талабаларни ўз яшаш жойига етказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга қўшимча поездлар қатнови йўлга қўйилиб, талабаларга чипталарни сотишда 50 фоизлик чегирмалар берилди.

– COVID-19 пандемиясининг Ўзбекистон Республикасига кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида дастлаб мамлакатимиздан халқаро йўналишларда, кейинги босқичда эса маҳаллий йўналишларда ҳаракатланадиган барча йўловчи поездлар ҳаракати тўхтатилди, – дейди «O'ztemiryo'lyo'lovchi» акциядорлик жамиятининг Темир йўл медиа директори Фозил Шарипов. – Халқаро йўналишларда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар 2020 йил 22 март кунига қадар Ўзбекистон Республикасига ўз йўловчилари билан киришга рухсат берилди ҳамда йўловчи поездлар орқали кириб келган 2 минг 257 нафар фуқаро республикамизнинг турли вилоятларида ташкил қилинган карантин зоналарига етказиб қўйилди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларида жорий йил 16 мартдан бошлаб 14 кунлик карантин муддати тугаган 11 512 нафар юртдошларимиз учун жами 46 та махсус дезинфекцияланган йўловчи поездлар ташкил қилиниб, ўз манзилларига етказилди. Айни пайтда ҳам Тошкент шаҳри ва жойлардаги карантин ҳудудларида 14 кун мобайнида шифокорлар назоратида бўлиб, карантин муддати тугаган юртдошларимизни яшаш манзилига етказиб қўйиш учун махсус қатновлар давом этмоқда.

Бундан ташқари, карантин пайтида республикамиз ҳудудларида аҳоли турмуш шароитини атрофлича ўрганиш ва юзага келадиган муаммоларни жойида ҳал қилиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ишчи-ходимларидан ташкил топган ишчи гуруҳлар учун қўшимча йўловчи поездлар ташкил қилиниб, уларни ташиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Гарчи темир йўл транспорти орқали йўловчи ташиш вақтинча тўхтатилган бўлсада, маҳаллий ва халқаро йўналишларда юк ташиш ҳажми ортиб, қўшимча имтиёзлар берилди. Айниқса, мамлакатимиз ҳудудига маҳаллий йўналишлар бўйича аҳоли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини юк вагонларида етказиб беришга катта аҳамият қаратилди. Республикамиз ҳудудига кириб келаётган барча юк вагонлари, транзит поездлар барча чегара ҳудудларида, ҳар бир станцияларда, шу билан бирга темир йўл вокзаллари, уларга туташ маъмурий бинолар, барча йўловчи вагонлар мунтазам равишда қатъий талаблар асосида дезинфекция қилинмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ахборот ва мультимедия марказидан маълум қилинишича, тармоқ корхоналарида коронавирусга қарши олиб борилаётган профилактик чоралар сабабли иш жараёни асло сусайгани йўқ. Темир йўл транспорти орқали ташилаётган экспорт юкларини бутлигини таъминлаб, қисқа муддатларда манзилига етишига ҳисса қўшаётган ходимлар учун жами 23 турдаги 1 796 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Яқинда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан вирусга қарши курашда «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига бир миллиард сўм маблағ ўтказилди. Айни кунларда эса Тошкент вилоятининг Зангиота туманида темирйўлчилар томонидан бунёд этилаётган 5 минг ўринли шифохона қурилиши якунланиши арафасида. Ушбу шифохона фойдаланишга топширилгач, бу ерда коронавирус пандемияси туфайли карантинга олинган ва ушбу касалликка чалинган беморларни даволаш жараёни бошланади.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан олиб борилаётган бу каби чоралар юртимизда яқин кунларда ушбу пандемия устидан буткул ғалаба қозонишига муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Давлатимиз раҳбари томонидан куни кеча ўтказилган саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишда қайд этилганидек, эндиликда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда барча қурилишларни давом эттиришга рухсат берилди.**

# «Карантин ишимизга халақит бермайди!»

Бугунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари «Карантин ишимизга халақит бермайди!» деган эзгу шиор остида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бу жараёнда албатта ишнинг сифатли бўлиши баробарида энг муҳими, тожли вирусдан ҳимояланишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда корнавирус эпидемияси сабабли карантин ҳолати эълон қилингани ва корхоналарнинг иш соати қисқарганига қарамасдан, Тошкент вилоятида барча соҳаларда қизғин иш олиб боriляпти.

Биргина инвестиция жалб этиш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Президентимизнинг 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, жорий йилда Тошкент вилоятида 56 та лойиҳани амалиётга татбиқ этиш ҳисобига 309,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида 20,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш кўзда тутилганди, амалда эса бу кўрсаткич 32,4 млн АҚШ доллари миқдорида бажарилиб, топшириқ 157 фоизга уддаланди. Умуман, биринчи чорак учун белгиланган режа прогнозларини 52,5 млн АҚШ доллари ёки 110 фоизга бажарилиши кутилмоқда.

Жорий йилнинг I чорагида 47,7 млн АҚШ доллари, II чорагида 111,8 млн АҚШ доллари, III чорагида 204,0 млн АҚШ доллари, IV чорагида эса 309,2 млн АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Бу жараёнда вилоятнинг эспорт салоҳиятини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу йил жами 603,3 млн АҚШ долларилик маҳсулотларни экспорт қилиш режаси белгиланган бўлиб, шундан, 386,3 млн АҚШ доллари саноат маҳсулотлари бўлса, 217 млн АҚШ доллари эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келади. Январь-февраль ойларидаги режа 118,4 фоизга, жумладан, саноатда 151 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича эса 60 фоизга бажарилгани фикримизнинг исботидир.

Вилоят ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Жамшид Абдусаломовнинг таъкидлашича, шу йилнинг биринчи чораги учун жами 113,4 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт режа прогнозлари белгиланган бўлиб, унинг 69,2 млн АҚШ доллари саноат, 44,2 млн доллари эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келади. Агар бу топшириқни бугунги кун ҳолатига кўра таҳлил қиладиган бўлсак, экспорт режаси 113,5 млн АҚШ доллари миқдорида бажарилгани маълум бўлади.

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлиги хорижий сармоядорлар билан ҳам инвестиция киритиш масаласида доимий равишда музокаралар олиб бормоқда. Яқинда Россия Федерациясининг кўп қаватли уй-жойларни қуришга ихтисослашган компаниялари вакиллари ташриф буюриб, кўп қаватли уй-жойларни бунёд этишдаги тажрибаси, имкониятлари ва хориж давлатларида барпо этган уй-жойлари хусусида батафсил маъумотлари билан тақдимот маросимини ўтказишди. Бир қатор туман ва шаҳар ҳокимлари иштирок этган тадбирда томонлар ўзаро ҳамкорликда ишлашга келишиб олдилар.

Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлар («UTID») уюшмаси билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилгангани боис, амалий ишларга киришишга тайёргарлик кўриляпти. Бекобод, Янгийўл ва Нурафшон шаҳарлари ҳамда Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлари тадбирлардан бирида ўз ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятларини намойиш қилишди. Жумладан, Бекобод шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаевнинг таъкидлашича, шаҳарда цемент, арматура ва темир ҳамда саноат учун бошқа зарур маҳсулотлар мавжуд, шу сабабли ҳудудда бизнес муҳитини ривожлантиришга барча нарсалар тайёр. Қолаверса, қўшни Тожикистон Республикасидан ҳам бунинг учун ҳамкорлар топиш мумкин ва шу билан бирга, уй-жой қурадиган компанияларга ҳам эҳтиёж мавжудлиги аён этилди.

Маълум қилинишича, Нурафшон шаҳрида логистика йўналишида ҳамкор компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда. Хусусан, 27 километр масофадан иборат Тошкент-Нурафшон йўналишида очиқ усулда метро қурилишига эҳтиёж бор. Шунингдек, учта кўприк, театр ва бир неча олий ўқув юртларининг биноларини қуриш кўзда тутилган. Шу сабабли бир қатор қурилиш компаниялари билан ҳамкорлик олиб борилишига тайёргарлик кўрилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, эпидемия даврида экспорт ҳажми камайишининг олдини олиш учун вилоятда барча зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Вилоят ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Жамшид Абдусаломов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ онлайн режимида вилоятдаги экспорт қилувчи корхоналар муаммосини бартараф этиш борасида вазирлик ва бошқармалар, Республика экспортга кўмаклашиш штаби ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан узлуксиз равишда иш олиб бормоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ – ўқитишнинг замонавий усули



**Мамлакатимизда карантин чекловлари давом этаётган бир пайтда ушбу фурсатлардан унумли фойдаланаётган таълим тизими ходимлари, талаба ёшлар ҳамда ўқувчилар учун бир қатор енгилликлар яратилди.**

Жумладан, олий таълим даргоҳларидаги профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашини самарали ташкил этиш мақсадида онлайн конференциялар, семинар тренинглар, ўқув курслари ташкил этилган бўлса, талабалар учун масофавий дарслар ўтказилмоқда. Тошкент архитектура-қурилиш институтида масофавий таълим ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ана шулар ҳақида батафсил билиш учун институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Абдулло Мирисаевни суҳбатга чорладик.

**– Абдулло Ўлмасович, институтда масофавий таълим қандай йўлга қўйилган?**

– Институтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги «Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида»ги 233-сонли буйруғи асосида Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 2020 йил 30 мартдаги 221-сонли буйруғи расмийлаштирилиб, талабаларнинг ўқув жараёни тўлиқ масофавий таълимга ўтказилди. 2020 йилнинг 1 апрелидан http://mooc.taqi.uz:8080 масофавий таълим платформаси тўлиқ ишга туширилди ҳамда барча талабалар ва профессор-ўқитувчиларга масофавий ўқиш-ўқитиш имконияти яратилди.

Бу борада Тошкент архитектура-қурилиш институтида жорий этилган масофавий таълим ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Талабалар ўзларига берилган топшириқларнинг ижросини онлайн тарзда тез фурсатларда ўқитувчига етказиши орқали ҳам вақт, ҳам маблағнинг иқтисод қилинишига эришади. Тизимда кундузги, сиртқи ва магистратура талабаларига 2019/2020 ўқув йилининг баҳорги семестрида ўқув режаларига мувофиқ, 23 та бакалавриат таълим йўналишлари бўйича 168 та, 25 та магистратура мутахассисликлари бўйича 88 та, жами 193 та фан ўқитилиши кўзда тутилган. Баҳорги семестрда институт мутахассислари ва педагог ходимлари томонидан масофавий таълим платформасига барча фанлар бўйича тегишли контентлар, яъни ўқув материаллари, аудио ва видео материаллар, тарқатма материаллари жойлаштирилди ҳамда тизимга барча талабалар, профессор-ўқитувчилар бириктирилди.

**– Масофадан туриб ўқитишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Бу жараёнда педагог нафақат ўз касбининг билимдони бўлиши, балки ахборот-компьютер технологиясини ҳам жуда мукаммал ўзлаштирган бўлмоғи зарурлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда, шундайми?**

– Тўғри, бугун ахборот-компьютер технологияси кириб бормаган соҳа қолмади, деярли. Шу жумладан таълим тизимида ҳам унинг самараларини кўришимиз мумкин. Ўқитишнинг ушбу замонавий усули эса профессор-ўқитувчиларимизнинг интернет тармоғида пухта фойдаланиш кўникмаларини янада оширишга ҳам замин яратмоқда. Институт педагогик жамоаси ва талаба-ёшлари пандемия шароитидаги карантин даврида илмий ишланмалар устида изланиб, ўз билимларини янада бойитиб бормоқдалар. Ҳозиргача фанлар бўйича тегишли мавзуларга оид жами 100 дан ортиқ видеодарс, 108 та аудиодарс тайёрланиб, 40 мингдан ортиқ ўқув материаллари, яъни электрон адабиётлар, тақдимотлар ва бошқалар http://mooc.taqi.uz:8080 институт ички таълим порталига жойлаштирилган. Барча кафедраларда фанлар кесимида ўқув-назорат материалларини масофавий таълим талабларига мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш ҳамда босқичма-босқич тизимга жойлаштириб бориш ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда.

**– Карантин эълон қилингач, республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида «Moodle» тизими жорий этилди. Талабалар «Moodle» масофавий таълим платформасида таълим олиш имкониятига эга бўлишди. Хўш, бу тизимнинг қандай афзалликлари мавжуд?**

– «Moodle» масофавий таълим платформасидан фойдаланиш учун талабалар ўзларининг телефон аппаратлари, планшет ва компьютерларидан фойдаланишлари мумкин ва бунинг учун профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалардан ҳеч қандай интернет трафик (мб)лар олинмайди. Талабалар ушбу платформада ўзлари учун ҳар бир фан бўйича маърузалар матни, видеоматериаллар, маърузалар юзасидан топшириқлар, тестлар, фойдали манбалар керакли бўлган адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятига эгалар. Ушбу платформа профессор-ўқитувчилар ва талабаларни фойдаланиш мониторингини автоматик равишда ҳисоблаб боради.

Олий таълим вазирлигининг 2020 йил 10 апрелдаги «Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини масофавий таълим орқали самарали давом эттириш ҳамда 2019/2020 ўқув йилини якунлаш тўғрисида»ги 257-сонли ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 2020 йил 17 апрелдаги 249-сонли буйруқларига асосан масофавий таълимга барча профессор-ўқитувчилар жалб этилиб, «Moodle» тизимида дарслар масофадан туриб ўтказилиши бошланди.

«Moodle» тизимида оралиқ ва якуний назорат топшириш ёзма иш ёки тест синови тарзида ташкил этилади. Назорат ёзма иш шаклида ўтказилганда тегишли профессор-ўқитувчи томонидан назорат саволлари тизимнинг функцияси ёрдамида киритилади ва уни профессор-ўқитувчига юбориш муддати белгиланади. Талабалар томонидан ўз муддатида юборилмаган жавобларни тизим қабул қилмайди. Бундан ташқари, назоратлар Телеграмм канали орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу тизим талаба ва профессор-ўқитувчилар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлигини тўлиқ таъминлайди.

Интернет тармоғи яхши ишламайдиган ҳудудлардаги талабаларга тестлар электрон шаклда тарқатилади ва талабалар жавобларни берилган вақтда расм шаклида юборади ва профессор-ўқитувчилар томонидан баҳоланиб, жавоблари талабаларга юборилади. Тизимнинг яна бир қулайликларидан бири шундан иборатки, унда талабаларни дарсларга қатнашиши, берилган топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш функциялари мавжуд бўлиб, талабаларнинг тизимдаги барча ҳаракатлари институт раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари томонидан кузатилиб, асосий кўрсаткичлар таҳлил қилиниб тегишли тавсиялар бериб борилмоқда.

**– Кечагина абитуриент сифатида ҳужжатларини институтга катта умидлар билан топширган ёшлар талабалик бахтига муяссар бўлиб, мана тўрт йил давомида ўз билимларини оширдилар, етук мутахассис кадр сифатида учирма бўладилар. Институтни битириш жуда мураккаб жараён бўлиб, буни қайсидир маънода ғалвирни сувдан кўтарадиган паллага қиёслаш мумкин. Хўш, битирувчиларга имтиҳонларни топширишда қандай қулайликлар кўзда тутилган?**

– Битирувчи курсларнинг ўқиш даври деярли тугаб қолганини инобатга олиб, бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг давлат имтиҳонлари ва якуний давлат аттестацияларини масофавий ташкил этиш бўйича институтда ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Битирувчи курсларга тегишли фанлар бўйича ўқув материаллари тизимга тўлиқ киритилиб, талабаларга ўқишни масофавий давом эттириш имконияти яратилди. Шунингдек, масофавий якуний назорат ўтказиш жадваллари тасдиқланиб, талабалар ва якуний назоратни олиб борувчи профессор-ўқитувчилар эътиборига етказилди. Институтнинг масофавий таълим платформасига ўқув материалларини сифатли ва талаб даражасида жойлаштириш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларни тизимда ишлаш кўникмасини тезкор шакллантириш мақсадида АТМ бўлими ходимлари томонидан кечаю-кундуз маслаҳат берилувчи Mooc.Taqi.Uz телеграм канали ишга туширилди. Ўз навбатида талабаларни масофавий таълим платформасидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда ҳам алоҳида телеграм каналлар орқали тушунтиришлар берилиши ташкил этилган.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ

**Мамлакат иқтисодиётининг қудрати, халқ фаровонлиги даражасини намоён этишда йўл хўжалиги алоҳида мавқе касб этади. Юртимизда йўл қурилишига катта аҳамият берилаётганлиги, соҳага кўп миқдорда маблағ ажратилаётганлиги бунинг исботидир. Йўл инфратузилмасини яхшилаш, жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича лойиҳалар аллақачон амалда ўз исботини топмоқда. Буни Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.**

# Аҳиллик бор жойда

Айни пайтда туманда умумий фойдаланишдаги 219 километр йўл мавжуд бўлиб, уларни сақлаш, таъмирлаш ва жорий таъмирлаш доимий эътиборда турибди. Туман бунёдкорлари давлат аҳамиятидаги ва ички йўллар ҳолатини замон талабига мослаштириш, автомашиналар, пиёдалар ҳаракати учун қулай, шинам шароит яратишда чинакам жонбозлик кўрсатаяптилар.

– Тармоқда амалга оширилаётган юмушлар билан фахрлансак арзийди, – дейди «Туман йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси директори Санжар Маматқулов. – Биргина ўтган йили 185 километр йўлда таъмирлаш ишлари олиб борилди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида Эски Жомбой, Катта қишлоқ ва Бешбола маҳаллаларидаги 25 километрдан зиёд кўчани равон ҳолатга келтирдик. Уларнинг асосий қисми асфальтланиб, айримларига тош-шағал ётқизилди. Самарқанддан туман марказига элтувчи йўлда қилинган кенг кўламдаги юмушлар, айниқса барчанинг ҳавасини келтирмоқда. У эндиликда ҳақиқий намуна бўладига кўчага айлантирилди. Йўл кенгайтирилиб, икки томонида лотоклар, ёритиш тизимлари ўрнатилгани, ободонлаштирилиб, гулзор, яшиликка бурканган билан марказий шаҳарларни эслатади. Бундан ташқари «Сарычашма – Ҳалвойи», «Хўжа – Навбаҳор» йўналишидаги йўллар жорий таъмирдан чиқарилди. Иккита янги кўприк қуришга эришдик.

Раҳбарнинг мақтанганича бор экан. Ишни оқилона ташкил этиш, ходимларнинг моддий аҳволини юқори поғонага кўтариш, маданий-маънавий даражасини юксалтиришдаги хизматлари учун ёш, тиниб-тинчимас бошлиқ Ҳусан Ҳамроевга ишонч билдирилиб туман ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари этиб тайинланибди. Муҳими, ишчи-хизматчилар ўртасида соғлом муҳит ҳукмрон бўлиб, ҳатто бир мақсад сари интилаётгани ижобий натижадир. Аҳил жамоанинг янги директор билан ҳам тил топишиб, баҳамжиҳат фаолият юритаётгани диққатга сазовор.

